ХИЛЛАРИ КЛИНТОН ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ

12 ноябрь куни Америка Қўшма Штатлари Президентининг рафиқаси Хиллари Родэм Клинтон Ўзбекистонга келди.

Хиллари хоним Президент Уильям Клинтон ва АҚШ давлат департаменти илтимосига биноан Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон ҳамда Россия ва Украина бўйлаб сафарга чиққан. Ташрифдан мақсад — мазкур давлатларга ва уларнинг ислоҳотлар йўлидаги саъй-ҳаракатларига АҚШ мададини намоён этиш.

Ўзбекистон Республикаси ва Америка Қўшма Штатларининг Давлат байроқлари билан безатилган Тошкент аэропортида Хиллари Родэм Клинтонга Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов рафиқаси Татьяна Каримова билан пешвоз чиқди.

Миллий либосдаги қизлар Американинг биринчи хонимига анвойи гуллар тақдим этишди.

Хиллари Клинтон ва унга ҳамроҳлик қилаётган меҳмонлар учун ажратилган автомобиллар карвони «Дўрмон» қароргоҳи томон йўл олди. Бу ерда Ислом Каримовнинг Хиллари Клинтон билан расмий учрашуви бўлиб ўтди.

Ислом Каримов АҚШнинг «биринчи леди»си билан Ўзбекистонда қўришиб турганидан мамнуният билдириб, Хиллари хонимни мамлакатимизга ташрифи билан самимий қутлади. Мазкур ташриф Ўзбекистон—Америка муносабатларини янада юқори поғонага кўтаришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Самимий ўтган суҳбат чоғида томонларни қизиқтирган масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Х. Клинтоннинг Ўзбекистонга ташрифи уч кун давом этади.

(ЎзА).



СУРАТДА: «Дўрмон» қароргоҳидаги учрашув пайти.

А. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА КОМИССИЯСИДА

12 ноябрь куни мамлакат парламентида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис VI сессиясидаги нутқидан ва Олий Мажлиснинг ушбу нутқ юзасидан қабул қилган қароридан келиб чиқадиган вазифалар бажарилишини ташкил этиш бўйича комиссиянинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Олий Мажлис Раиси, мазкур комиссия раҳбари Э. Халилов мажлисни очар экан, ҳозирги босқичда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича аосий вазифаларни амалга ошириш тадбирлари тасдиқланганидан буён ўтган бир йил ичида ижтимоий турмушнинг барча жабҳаларини демократлаштириш йўлидан республика анчагина илгарилаганини, фуқароларнинг, сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларининг сиёсий фаоллиги кучайганлигини таъкидлади. Комиссия, унинг ишчи гуруҳлари олиб борган ишлар, Олий Мажлис томонидан қабул қилинган, мамлакатда ўтказилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосини таъминлаган бир қанча қонунлар ана шу жараёнга кўмаклашди.

Мажлисда фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш масалалари бўйича ишчи гуруҳининг фаолияти муҳокама қилинди. Гуруҳ раҳбари, депутат Ҳ. Абдураимов бу ҳақда ахборот бериб, жамоат бирлашмалари ва жамғармалар билан ҳамкорликда ушбу йўналишда муайян ишлар қилинганлигини қайд этди. Хусусан, «Маҳалла», «Нуроний» ва «Камолот» жамғармалари бу борада анча фаол иш олиб бораяптилар. Мазкур ташкилотларнинг фаоллари аҳоли билан учрашувлар ўтказиб, қонунлар ва ҳукумат қарорларини тушунтириб, фуқароларнинг кўплаб саволларига жавоб қайтаряптилар, иқтисодий ва ҳуқуқий масалалар юзасидан маслаҳатлар беряптилар. Республика Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари билан биргаликда фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш масалаларига доир турли тадбирлар ўтказилмоқда. Бундай тадбирлар мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар моҳиятини ёшлар тўғри қабул қилишларига кўмаклашадиган турли танловлар, мушоиралар, семинарлар ўтказишни ўз ичига олгандир.

Даврий нашрларда жамиятнинг сиёсий тизимини акс эттирувчи Қонунлар, Президент Фармонлари ҳамда ҳукумат қарорларини шарҳлайдиган рукнлар мунтазам чиқмоқда. Телевидениеда «Парламент соати» кўрсатувлари мунтазам бериб борилмоқда.

Комиссия мажлисида сўзга чиққан республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси бошқарувининг раиси Ш. Темуров, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги юридик бошқармасининг бошлиғи И. Фозилхўжаева, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби А. Жалолов, «Ватан тараққиёти» партияси раиси А. Йўлдошев, «Маънавият ва маърифат» республика маркази раҳбари Н. Аминов, «Адолат» социал-демократик партияси сиёсий кенгашининг биринчи котиби Т. Даминов, «Миллий тикланиш» партияси раиси И. Ғофуров ва бошқалар фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва ҳуқуқий давлат барпо этишнинг муҳим асосларидан бири эканлигини таъкидладилар. Бу борадаги муаммоларни ечиш хусусида фикр-мулоҳаза билдирдилар, келгусидаги режалари билан таништирдилар.

Комиссия ишчи гуруҳи раҳбарининг ахборотини маълумот учун қабул қилиб, унинг фаолиятидаги камчилик ва нуқсонларга эътиборни қаратди. Ишчи гуруҳига аҳолининг барча қатламлари маданияти ва сиёсий фаоллигини ошириш, айниқса, ёшлар ўртасида маданий меросни, миллий ўзига хослигимизни тарғиб этиш, фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш ишида жамоат бирлашмаларининг янада фаолроқ иштирок этишини таъминлаш юзасидан аниқтаклифлар ишлаб чиқиш таклиф этилди. Ўзбекистон телевдениеси ва радиоси дастурларида қонунчилик, қонунларни шарҳлаш, уларни аҳолига етказиш масалалари юзасидан берилаётган махсус кўрсатувлар ва эшиттиришларни такомиллаштириш чора-тадбирларини кўриш тавсия этилди.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 13 ноябрь, пайшанба № 133 (22.216).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



СУРАТДА: Ислом Каримов Болгария ташқи ишлар вазири Надежда Михайловани қабул қилган пайт.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 12 ноябрь куни мамлакатимизга ташриф буюрган Болгария Республикаси ташқи ишлар вазири Надежда Михайловани қабул қилди.

Президент ўзбек ҳамда болгар халқлари ўртасида яқин ўтмишда ҳам дўстона алоқалар мавжуд бўлганини айтди. Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг ўтган олти йил мобайнида дунёнинг кўплаб давлатлари билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик алоқалари ўрнатгани ва улар бугун ўзининг ижобий самараларини бераётганини таъкидлади. Президент айни пайтда Болгария билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари икки мамлакат имкониятлари даражасида ривож топмаётганидан афсус билдирди. Мартабали меҳмоннинг мамлакатимизга ташрифи Ўзбекистон билан Болгария ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ривожига туртки бўлишига умид қилишини айтди.

Болгария ташқи ишлар вазири самимий қабул учун Президент Ислом Каримовга миннатдорлик изҳор этди.

Мулоқот чоғида икки мамлакат аро ҳамкорлик алоқалари билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

* * *

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги доимий вакили Холид Маликни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон халқи БМТнинг жаҳон сиёсат майдонида тутган ўрни ҳамда дунёвий ва минтақавий муаммоларни бартараф этишдаги аҳамиятини Холид Малик раҳбарлик қилган ваколатхона фаолияти орқали яхши англаганини таъкидлади.

— Сиз ўз фаолиятингиз давомида Ўзбекистон билан БМТ ўртасидаги амалий алоқаларни ва ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшдингиз, — деди Ислом Каримов. — Биз сизни ўзбек халқининг урф-одат ва анъаналари, маданий мероси ҳамда миллий қадриятларни яхши биладиган ва ҳурмат қиладиган инсон сифатида ҳам қадрлаймиз.

Холид Малик Президентга Ўзбекистондаги миссияси якунланганини маълум қилиб, мамлакатимиздан бой таассуротлар билан қайтаётгани ва бу ерда кечирган йиллари ҳаётидаги энг ажойиб давр сифатида ёдда қолажагини таъкидлади.

Президент Ислом Каримов Холид Маликнинг келгусидаги фаолиятига муваффақият тилади.

Қабул маросимларида ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

(ЎзА).

ИСЛОМ КАРИМОВ ТУРКИЯГА ТАШРИФ БУЮРАДИ

Туркия Республикаси Президенти Сулаймон Демирэлнинг таклифига биноан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу йил 17-19 ноябрь кунлари расмий ташриф билан Туркия Республикасида бўлади.

WELCOME!

ХУШ КЕЛИБСИЗ!

ДОБРО ПОЖАЛОВАТЬ!

Муҳтарама хоним Хиллари Клинтон!

Сизнинг Ўзбекистонга сафарингиз халкларимиз ўртасида барқ урган яхши муносабатларнинг хайрли нишонасидир. Сизга завқ-шавқли, хотирада қоладиган учрашувлар ва таассуротлар тилаймиз!

DEAR MRS. CLINTON,
WELCOME TO UZBEKISTAN!
WE HOPE YOUR VISIT WILL STRENGTHEN THE TIES BETWEEN OUR TWO NATIONS. BEST WISHES FOR A MEMORABLE STAY IN UZBEKISTAN — A COUNTRY OF ANCIENT AND RICH CULTURAL HERITAGE.

Уважаемая госпожа Хиллари Клинтон!
Ваш приезд в Узбекистан это добрый знак уже сложившихся хороших отношений наших народов. Желаем Вам интересных и запоминающихся встреч и впечетлений!

ЎЗБЕКИСТОН — НЬЮМОНТ ЛИМИТЕД
NEWMONT — UZBEKISTAN LIMITED

"ЗАРАФШАН — НЬЮМОНТ" Қ.К
JV "ZARAFSHAN — NEWMONT

ЖОННИСОРЛИК ТУЙҒУСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг журналистлар билан учрашувлари тобора анъанавий тусга кириб бормоқда. Мазкур учрашувлар самимий тарзда ўтади. Уларда давлатимиз раҳбари ўз қалбини очиб қўрсатади. Буни бутун халқимиз қалбининг рамзи, келажаги ёруғ Ватанимиз порлоқ қуёшининг тимсоли дейиш мумкин. Йўлбошчимизнинг ватандошларимиздан, дунё аҳлидан яширадиган сири, яширадиган гапи йўқ. Халқимиз, ватанимиз шаънига алоқадор энг кичик нарса ҳам юртбошимиз учун энг катта аҳамиятга эга. Буни куни кеча бўлиб ўтган давлатимиз раҳбарининг «Озодлик» ва «Би-Би-Си» радиостанциялари ўзбек шўъбаси мухбирлари билан учрашувида ҳам кўриш мумкин.

Андак чекиниш қилиб айтишим мумкинки, мустақиллик ўсиб, юксалиб бораётган яхлит манзарага эга. Истиқлолимиз андозалари асосини демократик тамойиллар ташкил этади. Булар мунтазам равишда ривожланиб бораётган тамойиллардир.

Ёш давлатимизга бошқа давлатлар томонидан бўлаётган муносабатлар асосида эртанги кунимизга қатъий ишонч ётади. Эҳтимолки, ватанимизда кечаётган ислоҳотлар ташаббускори ҳамда ижодкори воқеалар ва ишларнинг негизини билишга қодир Ислом Каримов бўлгани учун ҳам Ўзбекистон жаҳон маърифий цивилизациясига интеграциялашиб бораётганини дунё тан олмоқда. Европа оммавий ахборот воситаларининг юртимиздаги ўзгаришлар жараёнига қизиқишида тараққиётнинг туғри йўлидан бораётганимизни, жаҳоний қадриятларга қўшаётган ҳиссамизни тан олиш ётади.

Ўзим журналист бўлганим учунми, назаримда, башарият тарихида яратилган «қуроллар»нинг энг қудратлиси матбуотдир. Мени юртбошимизнинг ана шу қудратли «қурол» билан «яккама-яккка жанг»даги жасорати, эл-юрт манфаатларини ҳар нарсадан устун қўйиши, шу йўлда фидоликка ҳам тайёр эканлиги ҳайратларга солади. Истиқлолга ана шундай жоннисорлик туйғуси барча ватандошларимизга «юқишини» истайман.

Жўра ЮСУПОВ,
Қашқадарё вилояти Касби тумани «Садоқат» газетаси муҳаррири.

КАДРЛАРНИ ЭМАС, ИШНИ ЎЗГАРТИРИШ МУҲИМ

дейди Жиззах вилояти нефть маҳсулотлари таъминоти корхонаси бош директори Равшан ОТАБОЕВ

Худога минг қатла шукурки, мамлакатимиз нефть мустақиллигига эришди. Ёнилғи учун «оға»ларимизнинг саховатига кўз тикишга тўғри келган оғир кунлар ортда қолди. Энди буёғи ўзимизга боғлиқ. Тежаб-тергаб ишлатсак бори ҳам кўпаяверади, исрофгарчиликка йўл қўйилган жойда эса барака қочади. Бундан 5—6 ой бурун вилоятимизга ташриф буюрган киши ҳамма жойда нефть маҳсулотларининг етишмаслиги, ёнилғи қўйиш шаҳобчалари эса тақа-тақ ёпиқлигини кўриб ранжиб қайтарди. Вақолонки, ўша кезларда ҳам вилоятимизга озмунча нефть маҳсулотлари келтирилмаган. Фақат баракаси бўлмаган уларнинг.

Исрофгарчилик, нобудгарчилик, талон-торож авж олган жойда барака бўлмаслиги ҳаммага аён. Мана шуни ҳисобга олиб март ойида вилоят ҳокимлигида катта бир йиғилиш бўлиб ўтди. Унда нефть маҳсулотларидан фойдаланишни қатъий тартибга солиш, тежамкорликка риоя қилиш масалалари муҳокама этилди ва корхоналар, хўжаликлар, ташкилотларнинг раҳбарларига жорий йилда ёнилғини тежаб-тергаб фойдаланиш, унинг исроф бўлишига қатъиян чек қўйиш вазифаси юклатилди. Қаранг-ки, шундай қилинганда вилоятимиз бўйича нефть маҳсулотлари сарфи 30 фоизга пасаяр экан. Бу эса нақд 550-600 миллион сўм деганидир!

Бинобарин, кейинги йилларда вилоятимизда етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, хусусан, пахтанинг таннархи қимматлашиб кетди. Бунда ёнилғи сарфининг улуши катта бўлаётир. Чунончи ўтган йилда вилоят бўйича етиштирилган ҳар центнер пахта таннархининг 21,1 фоизи, ғалланинг 17,3 фоизини нефть маҳсулотларига сарфланган харажатлар ташкил этди. Баъзи хўжаликларда бу кўрсаткич бундан ҳам ошиб кетгани ачинарли. Бундай шароитда деҳқонларнинг косаси оқармайди. Кузда ғалвир сувдан кўтарилганда қуруқ чиқаверади.

Шу боисдан жамоамиз тежамкорликка эришиш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик учун қатъий кураш бошлаган. «Ўздавнефтмаҳсулот» бирлашмаси раҳбарияти ва вилоятимиз ҳокимлигининг қўллаб-қувватлаши натижасида бу борада кўзга кўринарли силжишларга эришдик. Масалан, ҳозир вилоятимизда ёнилғи тақчиллигига чек қўйилди. Қишлоқ хўжалик корхоналарига ҳосил йиғим-теримини қўнғилдагидек ўтказишлари учун ҳар томонлама ёрдам кўрсатилаётир. Барча автомобилларга ёнилғи қўйиш шаҳобчаларида нақд пулга ҳар литри 20 сўмдан автобензин сотилаяпти. Уларнинг таъминотида узилиш бўлгани йўқ. Шунингдек, автобензин нархи ҳам қатъий белгилаб қўйилди. Бу тартибни бузганларга нисбатан қаттиқ чоралар қўлланилмоқда.

Нефть маҳсулотларидан тежаб-тергаб фойдаланиш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик бир талай ташкилий тадбирларни амалга оширишни ҳам тақозо этади. Лекин биз бунда кадрларни эмас, ишни ўзгартиришни, замонавий иш усулларини йўлга қўйишни муҳим деб ҳисоблаймиз. Тўғри, ходимнинг қинғирлиги ёки совуққонлиги туфайли ёнилғи талон-торож, исроф бўлиши мумкин. Аммо ёнилғи исроф бўладиган туйнуклар улардан-да кўп. Қўли қинғир ёки боқибеғам ходимни тартибга чақириш, йўлга солиш мумкин. Аммо шундай ишлар борки... Масалан қайсидир хўжаликда тракторнинг аккумулятори йўқ. Шу боис тракторчи уни эртадан кечгача юргизиб қўяди. Ҳисоб-китобларга кўра, айнан шунинг эвазига трактор бир йилда 250 литр ёнилғини ортиқча сарфлайди. Ҳозир вилоятимизда 1558 та ҳайдов тракторлари, 1700 га яқин чопиқ ва 2473 та транспорт тракторлари мавжуд. Шуларнинг 70-80 фоизида аккумуляторлар йўқ, кун бўйи тириллаб юриб туради. Шундай экан, уларда ортиқча сарф бўлаётган ёнилғини ўзингиз ҳисоблаб чиқаравринг. Ёки бошқа бир мисол. Ҳозир кўпгина хўжаликларда ёнилғи қўйиш ускуналари деярли ишламайди. Автобензин ва дизел ёнилғиси челаклаб қўйилади. Ёнилғини қўлда челаклаб ёки бошқа бирор идишда тарқатиш натижасида 0,3 фоиз ёнилғи бўғланади, тўкилиб-сочилади. Бошқача айтганда, исроф бўлади. Шуни эсда тутиш керакки, агар бир секундда 1 томчи ёнилғи томиб турса, бир йилда 1560 литр ёнилғи исроф бўлади. Нефть маҳсулотлари таъминотига масъул бўлган ҳар бир ходим буни яхши билиши ҳам фарз, ҳам қарздир. Шунингдек, нефть маҳсулотларининг қаерда ва қай йўсинда исроф бўлишини ҳар бир хўжалик раҳбари, мутасадди мутахассислар билишлари, уни бартараф этиш чораларини кўришлари даркор.

Исрофгарчиликнинг яна бир манбаини эслатиб ўтишни лозим деб ҳисоблайман. Одатда ёнилғи сақлаш сиғимлари қопқоқларининг зич беркитилмаслиги, уларга нафас олиш ускуналари ўрнатилмасдан фойдаланилгани сабабли сиғими 25 куб метр бўлган битта идишдан йил давомида 1—1,5 тонна ёнилғи меъёридан ортиқ бўғланиб кетади. Бугунги кунда вилоятимизда 1200 дан ортиқ нефть маҳсулотлари истеъмол қиладиган корхона ва хўжаликлар борлиги ва уларнинг ҳар бирида камида биттадан сиғими 25 куб метргача бўлган идиш мавжудлиги, уларнинг аксарияти техник камчиликлардан холи эмаслигини ҳисобга олсак, вилоят бўйича фақат шу сабабга кўра 1000—1200 тонна нефть маҳсулотлари исроф бўлиши мумкин. Бу мисоллардан кўринаётган турибдики, исрофгарчилик халқ хўжалигининг энг ашаддий душманидир.

Мен юқорида исрофгарчиликка қарши қатъий кураш бошлаганимизни таъкидлаган эдим. Аммо уни кенг миқёсда амалга оширишга нефть маҳсулотлари хўжаликларининг тарқоқлиги, уларнинг турли вазирликлар ва идораларга мансублиги халал беряпти. Бизнингча, уларни битта тизимга бўйсундириш, бир қўлга тўплаш пайти келди. Шундай қилинганда, талон-торожликка, исрофгарчиликка, нобудгарчиликка қарши курашиш ҳам осонлашади.

Бобо Сароий ёзиб олди.

Хатлар

Хатлар

Хатлар

ИССИҚ СУВ ВА ПАШША МУАММОСИ

Биз Нукус шаҳридаги 23-кичик шаҳарчанинг 1/6 уйида яшаймиз. Уйимизга иссиқ сув келмаганига 7 ойдан ошди. Бу ҳақда иссиқлик манбаи ишлаб чиқариш бошқармаси ва турар-жойлардан фойдаланиш бошқармасига бир неча бор мурожаат қилдик. Бироқ, тайинли жавоб йўқ. Турар-жойлардан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи Ф. Ерганова мурожаат қилганимизда: «Ертўладаги қувурлар ёрилиб, сувга тўлиб турибди. Бир ҳафта ичида таъмирлаб, кейин иссиқ сув берамиз», деди. Аммо бир ой ҳам, ярим йил ҳам ўтдики, ҳамон ваъдага вафо йўқ...

Бу ҳам майли, ертўладаги сувлар ҳидланиб, чивинлар ғижғиж бўлиб кетганлигини айтмайсизми? Бу аҳволни шаҳар санитария-эпидемиология станциясининг бош шифокори У. Ерназарова жуда яхши биларди. Наҳотки, ертўлани сувлардан тозалаш имкони бўлмаса?!

Энг ёмон томони, пашшаларнинг кўплигидан ҳатто хоналарда ёзин-қишин пашшахона қуриб ётишга мажбур бўлаяпмиз. Мутасадди ташкилотлар ва уларнинг раҳбарлари амалий ишга ўтишар, деб умид қилиб яшаяпмиз.

Т. ҚОДИРБЕРГАНОВ,
З. РАИМОВА ва бошқалар.
Нукус шаҳри, 23-микрарайон 1/6 уйда яшовчилар номидан.

Газетада босилмади, аммо...

ЁРДАМ БЕРИЛДИ

Андижон шаҳар Лутфий кўчасида жойлашган 1-уй, 2 рақамли кўп қаватли уйларда яшовчи бир гуруҳ фуқаролар ва 1-уй, 25-хонадонда истиқомат қилувчи фуқаро М. Соибжонованинг уйларнинг техник-коммунал жиҳозларини носозлиги, иссиқлик, газ, озиқ-овқат маҳсулотлари таъминоти ва болалар нафақасини белгилаш масалалари юзасидан юборган ариза-шикоятларини ўрганиш якунлари бўйича қуйидагилар маълум қилинади.

Андижон шаҳридаги «Истиқлол-1» ҳиссадорлик жамиятига қарашли бўлган юқоридаги кўп қаватли уйларнинг сув, канализация, иссиқлик тизимида мавжуд бўлган носозликлар текшириш жараёнида бартараф этилди. Жумладан, 1-уйнинг том қисми мукаммал таъмирланди, ичимлик суви, канализация қувурларининг эски, чириган қисмлари алмаштирилиб ишга туширилди. Ушбу икки уйнинг ҳар бир кириш қисми олдига ёритгич чироқлари ўрнатилди. Аризада кўрсатилган 1-уйнинг битта кириш қисмидаги чўккан жойи таъмирлашдан чиқарилди.

1997 йил 24 сентябрь ҳолатига мазкур уйларнинг ертўласидаги иситиш қувурлари ва қозонхоналардаги жиҳозлар текширувдан ўтказилиб, яроқсиз жўмраклар алмаштирилди ҳамда кузги-қишки мавсумга ҳозирлаб қўйилди. Уйларни етарли иссиқлик билан таъминлаш, қозонхонанинг ишлаб чиқариш қувватини икки баробар ошириш мақсадида «Братск» русумидаги қозонни ишга туширириш ва 2 та «Универсал» русумдаги иситиш қозонини қисқа вақт мобайнида суюқ ёқилғига мослаштиришни таъминлаш вазифалари «Истиқлол-1» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви зиммасига юклатилди.

Ушбу уйларнинг аҳолиси зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўла таъминланиб келинаётгани маълум бўлди. Шунингдек ун, шакар, ёғ маҳсулотларини етарли миқдорда ва узлуксиз таъминлаш чораларини кўриш «Андижон истиқболи» озиқ-овқат савдо ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятига топширилди.

Аризаларда кўрсатилган болали оилаларга нафақа белгилаш ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам бериш тўғрисидаги эътирозлари текшириш давомида тасдиқланмади. Шунга қарамасдан, М. Соибжонованинг оилавий шароитини ҳисобга олган ҳолда махсус комиссия томонидан унинг аризаси қайта кўриб чиқилди ва сентябрь ойидан 750 сўм миқдорида болалар нафақаси белгиланди. Шунингдек, М. Соибжонова ва фарзандларининг саломатлиги Андижон шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимининг мутахассислари томонидан ўрганиб чиқилди. Мутахассисларнинг хулосасига кўра М. Соибжонова ва унинг ўғли Ҳожиохунов Зиёдбекнинг умумий ҳолати яхшилиги ва ҳозирда даволанишга зарурат йўқлиги қайд қилинди. Унинг қизи Соибжонова Нилуфар вилоят тери-таносил касалликлари шифохонаси мутахассислари томонидан текширилганда ҳақиқатдан «псориаз» касаллиги билан жароҳатланганлиги аниқланди ва даволаш учун дори-дармонлар тавсия этилди. М. Соибжонованинг оиласини саломатлиги устидан тиббий назоратни кучайтириш 1-болалар поликлиникаси ва 1-болалар шифохонаси раҳбарлари зиммасига юклатилди.

Аризада кўрсатилган кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи оилаларнинг хонадонлари хусусийлаштирилмаганлиги ҳақидаги эътирозлари қисман тасдиқланди. Ушбу уйларнинг 80 та хонадонидан 51 таси аризани ўрганиш кунигача хусусийлаштирилганлиги маълум бўлди, қолган хонадонларни белгиланган қонун-қоидаларга асосан расмийлаштириш ва хусусийлаштириш масалалари «Истиқлол-1» ҳиссадорлик жамияти раиси ва Андижон шаҳар ҳокимлиги уй-жойлардан фойдаланиш, ҳисобга олиш ва тасдиқлаш бўлимига топширилди.

Мазкур уйларнинг атрофидаги хўжалик чиқиндиларини ўз вақтида олиб чиқиб кетиш масаласи ҳал қилинди. Шу билан бирга ушбу мавзеда жойлашган қўшни «Бўстон» ва «Андижон» маҳаллаларидан чиқаётган хўжалик чиқиндиларини тўкиш жойларини назорати шаҳар санитария-эпидемиология маркази, шаҳар ички ишлар-санитария милицияси ва маҳалла фуқаролари йиғинлари раисларига юклатилди.

Аризани ўрганиш якунлари ҳақида ариза муаллифларига ёзма маълумотнома юборилди.

Андижон вилояти ҳокимининг ўринбосари Н. САИДОВ.

ФЕРМЕРЛАР ҲАМ ГАЗЕТАЛИК БЎЛИШДИ

Фарғона вилоятида яна бир янги нашр ўқувчилар қўлига бориб тегди. Фарғона вилояти шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари уюшмасининг «Ер ва эл» газетаси чиқа бошлади. Газета вилоятдаги минглаб шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари кундалик ишлари, муаммолари ютуқ ва камчиликларини ёритиб боради. Деҳқонларга тегишли маслаҳатлар беради. Шунингдек, газетада водий бозорларидаги нарх-наволар ҳам мунтазам равишда бериб бориладики, у деҳқон хўжаликлари учун ўзига хос йўлланма бўлиб қолади. Газетанинг дастлабки сони 3 минг нусхада чоп этилди.

А. ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Жиззах шаҳрида полипропилен қоплар ишлаб чиқарувчи Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси иш бошлади.
СУРАТДА: қоп тикув цехи.
Б. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Янги замон одами

КОРНЕГИНИ ЎҚИМАГАН, БИРОҚ...

Жўрахон ака кўпни кўрган одам. Уни танийдиганлар ҳам озмунча эмас. Кўпчиликка ёрдами теккан, дуо олган. Ёрдам беролмаганига ҳеч бўлмаса ширин лабз қилган, тафаккури доирасида йўл-йўриқ кўрсатган.

Яқин қирқ йиллик иш фаолиятида кимлар билан ишламади-ю, кимларга иши тушмади. Ҳаётнинг ўзи зўр муаллим экан. Яхшиларнинг хислатини ўрганди, ёмонларнинг тутумидан ўртанди. Эҳ-ҳе, умр аталмиш бу йўлда диёнатли ҳам учраяпти... «Ҳар ким қилса ўзига» деб қўяди, Жўрахон ака бунақа пайтларда. Ҳеч қачон нолимайди, билакс, шукур билан яшайди, меҳнат қилади.

1992 йилнинг охири эди. Уни Наманганга ишга чақиришди. Эсида, 25 октябрь куни эди. Ровустондаги улкан корхона жўжабирдай жамоаси-ю, ҳайбатли совуқ хоналари ва бўйнидаги 370 минг сўм қарздорлик «мероси» билан кутиб олди, уни. «Буёғи нима бўлади», деб бошини чангаллаб қоладиганлар ҳам учрайди, бунақада. Йўқ, Жўрахон ака феълида иккиланиш, чекиниш бўлмайди.

Жамоанинг кўнглини кўтарди, аҳилликка, жон куйдириб ишлашга ундади. Ўзиям қараб турмади. Ибрат кўрсатиш, ҳар ишнинг бошида ғайрат билан камарбаста бўлишнинг хосияти улуғ-да. Меҳнаткаш халқимиздаги фазилатлардан бири — бошлиқ ишлаб турса, изланса, ёрқин йўлга етакласа қараб туриб бўладими. Жамоа жону-дили билан ишга ёпишди. Қарабсизки, интизом изга тушди, корхона ораста, маромли ишлайдиган гўшага айланди.

Эскитдан шу ерда ишлаб юрган Абдужаббор ота Қосимов билан Қутбиддин ота Нуриддиновлар Жўрахон акага маслаҳатгўй бўлишди. Отахонларнинг бири лимонарий ва гулхона яратди. Иккинчилари корхона ишлаб чиқаришида ёшларга мураббий бўлдилар. Тез орада қўл-қўлга, иш-ишга тегмай қолди. Жамоага янги ишчи-хизматчилар олинди. 1993 йил шу билан якун топдики, иш мароми тикланди, корхона қарздан қутулди ва 20 минг сўм соф фойда топди...

Америка психологи Дейл Корнеги кўп даъватларида яхши ният қилишни, сабот билан, ҳеч иккиланмай олға интилишни ва энг муҳими, кулиб, хушчақчақ юришни эслатади. Жўрахон ака Корнеги китобларини синчиклаб мутолаа қилмаган. Психолог тавсия қилган хислатлар унинг қонида бор. Ҳамиша эзгу ният билан ишга киришади. Иш бошладими, иккиланмайди, охирига етказмагунча тиниб-тинчимайди. Яна бир хислати мақсадига етдими, тўхтаб туриш йўқ, янгисига киришади. «Бу умр, ука, — дейди у, — эзгу иш билан ҳам ўтади, ўйин-кулгу билан ҳам. Бизга биринчиси маъқулроқ».

Тиниб-тинчимас раҳбар изланишларини давом эттирди. Бўрдоқичилик хўжалиги ташкил топди. 25 бош мол, 40 бош қўй бугунги кунда жамоанинг мулки ҳисобланади. Аста-аста бу ерда музқаймоқ тайёрлаш йўлга қўйилди. Корхона дудланган товуқ гўшти, ҳалол ҳасип ва дудланган ҳасипи билан тилга тушди. Бекор юрган ровустонлик қиз-жувонлар учун ҳам янги иш жойлари бунёд бўлди: тикувчилик, гилам, сочиқ ва эҳром тўқиш цехлари ишга тушди, маҳсулот бера бошлади. Давлатобод тумани ва вилоятдаги шаҳар, қишлоқлар аҳолиси учун шоли оқлаш ва ёғ ишлаб чиқариш цехлари хизмат қилмоқда.

Айни вақтда корхонада асосий фаолият ҳам бир дақиқа бўшаштирилмади. Ҳайбатли, йил давомида тўхтовсиз ишлайдиган омборлар гўшт, сут маҳсулотларига тўлди ва узлуксиз равишда давлат муассасалари таъминлаб турилибди. Корхона ўз маҳсулотларини сотиш учун вилоятнинг 16 жойида дўконларини очган.

Эътиқодлилик, маълум бир маслакка садоқат ҳам инсонни элнинг олди қилиб қўяди. Жўрахон ака Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг аъзоси, истиқлол фарзанди сифатида дунёга келган партиямизга садоқати юқори. Ҳар қандай изланишларга кенг йўл берадиган, ишбилармонлик ва бозор иқтисодиёти орқали эл-юрт фаровонлиги борасидаги саъй-ҳаракатларни бажонидил қўллаб-қувватловчилар сафида эканидан хурсанд.

Наманган шаҳар партия кенгаши ҳам фаол ХДП аъзосини ҳамиша эътиборида тутади. Бўлиб ўтган сайловларда унинг номзодини 5-Обод сайлов округидан халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгаши депутатлигига кўрсатгани ҳам шундан далолат. Шаҳар партия ташкилоти кўрсатган номзод меҳнаткаш, халққа қайишадиган инсонлигини сайловчилар ҳам тан олишди ва Жўрахон ака шаҳар Кенгаши депутати деган номга сазовор бўлди.

Округ сайловчилари ўз депутатлари билан тез-тез юзма-юз бўладилар. У сайловчилар ҳасратига қулоқ тутади, таклифларини ўйлаб кўради, муаммоларига ечим излайди. Кам таъминланган, ёлғиз яшайдиган оилаларга бир-бир кириб чиқади. Улар ҳолидан хабар олади.

Жумладан, депутат ёрдами билан 1996—1997 йилларда Курашхона маҳалласидаги 3-Темир йўл кўчасида истиқомат қилувчи Чўлпонхон Саломова, Литвинов кўчаси 3-уйда яшовчи Роҳила Аҳмаджоновалар оиласига уй-даҳлиз қуриб берилди. Обод маҳалласида яшовчи Ўктам Музаффаров, Жакбарали Холмирзаев хонадонларида девор ва ошхона қурилишлари бажарилди. Корхона оталиғидаги 40-болалар боғчасида 250 минг сўмлик таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Қўқон кўчасида истиқомат қилувчи Баҳромжон Мақсудов оиласига Ёшлик мавзесида уй-жой қуриб берилди.

Бугунги кунда корхона жамоаси ёрдами билан Нуробод турар жой масканида маҳалла учун идора, тиббиёт шахобчаси, сартарошхона, чойхона, дўкон, хотин-қизлар ташкилотига бино қурилиши жадал амалга оширилди. Мустақиллик байрами арафасида бежирим бу гўзар ҳам ишга тушди.

У халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг депутатлик комиссияси таркибида аҳолига савдо, транспорт ва маиший хизмат кўрсатиш даражасини яхшилаш ва бошқа ижтимоий масалаларда ҳам доим фаол иштирок этаётир.

Яқинда шаҳар партия кенгашининг ижроия бюроси Ж. Мамадалиевнинг депутатлик фаолияти юзасидан ахборотини эшитди. Йиғилиш депутат фаолиятини маъқуллаб, уни кенг оммалаштиришга қарор қилгани ҳам фидойи ва тадбиркор инсон меҳнатига муносиб баҳодир.

Ҳа, яна бир қизиқ гап. Жўрахон ака ўзини ердан, табиатдан, энг муҳими ҳамкасбларидан айри тутмайдиган раҳбар. Айрим идораларга кириб, бошлиқ хонасидаги жиҳозлардан ҳангу манг бўлиб қоламиз. Мамадалиевнинг иш кабинети эса оддий, жиҳозлар ҳам одми. Лекин корхона юзлаб ташкилотлардан бошқа жиҳати билан ажралиб туради. Вилоят «Гўштсутсавдо» ишлаб чиқариш корхонаси ҳовлисига қадам босибоқ табиат қўйнига, сайроқи қушлар оламига кириб қолгандай ҳис қиласиз, ўзингизни. Ловланиб, савлат тўкиб турган товуслар, тўрқовоқлардаги беданалар, лочин ва бургутларни кўриб баҳри-дилингиз очилади.

Ишқилиб, Жўрахон акадай инсонлар ғайрат-шижоатига кўз тегмасин. Хайрли ишларига равнақ берсин!

Маҳмуджон ПАРПИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Набижон соатига қаради — иш куни ҳам охирлаб қолибди. Ўзича сарҳисоб қилиб кўрди: бугунча шошилинч ёзув-чизувлари қолмабди. Иш столи устидаги қоғозларни тартибга келтирди. Одатига кўра бошлиғининг кабинетига кириб, уйга кетиш учун қисиниб-қимтиниб рухсат сўради:

— Кечирасиз... эртага дам олиш куни. Девордармиён қўшним ўғлини уйлантираяптилар. Қўшничилик — чиқиб қарашсам...

— Албатта, албатта, ёрдамлашиш, қўшнининг туйида қатнашиш керак. Ахир қиёмат куни қўшнидан, деганлар-ку. Бемалол кетаверинг. Биронта шошилинч иш чиқиб қолса хабарлашармиз.

...Набижон эртасига барвақт туриб тўйхонага чиқди. «Тўй муборак бўлсин», деб қўшниси билан эндигина ҳол-аҳвол сўрашаётганди ўғилчаси сизни телефонда ишхонангиздан йўқлашаяпти, деган хабарни етказди.

Телефонда бошлиғининг ўзи экан:

— Набижон, ука, узр, бирров келиб кетмасангиз бўлмайди, юқоридан шошилинч топшириқ бўлиб қолди.

Набижон «Начора, хизматчилик, иложи борича тезроқ қайтишга ҳаракат қиламан» дея йўлга отланди. Хотини ҳар сафаргидек орқасидан жавраганча қолди: «Э, ишингиз ҳам бор бўлсин. Ахир қачон сиз ҳам одамларга ўхшаб дам оласиз? Ҳеч бўлмаса хордиқ куни ҳам бола-чақангиз олдида бўлмасангиз? Маҳалла-қўйгаку батамом аралашмай қўйдингиз. Қўшнининг туйини ташлаб кетсангиз уят бўлмайдими?..»

Набижон йўл-йўлакай хаёл суриб кетди: ҳа, хотини батамом ҳақ. Шу бошқармага ишга ўтибди-ки, на тўй-ҳашамга вақтида бора олади, на дам олиш кунининг тайини бор. Устига-устак хотининг юқоридаги каби таъна-дашномлари суяк-суягидан ўтиб кетади. «Эҳ, хотин, ҳаммасига айбдор мен эмас, мана шу яшаб турган уйимиз», деб бор ҳақиқатни унга айтишга эса ғурури йўл қўймайди. Қолаверса, ҳеч нарсага муҳтож бўлмай, данғиллама ҳовлида эмин-эркин ўсиб-улғайган хотинини унинг андишасини осонгина тушунишига кўзи етмасди...

...Болалик чоғидан Набижоннинг қўлидан қалам-қоғоз тушмасди. Мактабдалигидаёқ ёзув-чизувга анча қўли келиб қолганди. Газеталарда мақолалари тез-тез чиқиб турарди. Охир-оқибат шу соҳа ўқишини тугатди. Уч-тўрт йил нашриётда ишлагач уйланди. Оилалари катта — муъжазгина ҳовлидаги уйлари торлик қилиб қолди. Ҳарбий хизматдан қайтганига икки йилдан ошган укасини уйлантиришлари керак. Ундан кейинги укалари ҳам улғайиб қолишди. Набижон, ижарага бўлса ҳам бирорта уй топаман, деб юрган кунларнинг бирида эски таниши — Шерзодни учратиб қолди. Шерзод институтда бир йилча бирга ўқиган, «адашиб кирган эканман — мендан барибир ёзувчи чиқмайди» деб ўқишни ташлаб ҳарбий хизматга кетганди. Ҳозир катта бир бошқармада шофёр бўлиб ишлар, енгил машинада бошлиқни олиб юрар экан.

Набижоннинг аҳволидан воқиф бўлгач, у ўзи-ҳам уйни шу бошқармадан олганини, бошқармага Набижондек мутахассис зарурлигини, хоҳласа бошлиқ билан гаплашиб кўришини ваъда қилди. Набижон уй-жой билан таъминлайдиган ишхона бўлса қўлидан келадиган ҳар қандай юмушга розилигини билдирди.

Шерзод ваъдасининг устидан чиқди — бошлиқ билан учраштирди:

— Мана, хўжайин, сиз заказ қилган Набижон мирза шу киши бўладилар. Бу киши институтга келганидаёқ тап-тайёр мирза эдилар. Ҳар қандай ёзув-чизувни қотириб ташлайдилар. Корхоналарингиз тўғрисида ҳисоботгина эмас, хоҳласангиз роман ҳам ёзиб берадилар. Газета-журналларда чиққан мақолаларини йиғсангиз ғиштдек китоб бўлади. Фақат, сизга айтганимдек, кулба масаласини ҳал қилиб берсангиз бўлди.

Бошлиқ шу йили бошқармага ажратиладиган учта квартирадан албатта биттасини зарур мутахассис сифатида Набижонга беришни ваъда қилди, Набижон рози бўлди, енг шимариб ишга киришди...

Набижон ўша йили янги йилни янги — уч хонали уйда нишонлади. Хурсандлигининг чеки йўқ. Бошқармадаги ёзув-чизув ишларини аъло сифат билан бажарганлиги учун бошлиғи ҳам ундан беҳад хурсанд. «Мирза»сининг қалами анча пишиқлигига ишонч ҳосил қилган бошлиқ аста-секин унга йирикроқ, жиддий топшириқлар бера бошлади. Набижон тайёрлайдиган ҳар хил ҳисоботлар, маълумотномалар, маърузалар ёнига бошлиқнинг «шахсий илтимосча»ларини ҳам қўшилди. Бора-бора бундай «илтимосча»лар баҳор ёмғиридан кейинги қўзиқориндек кўпайиб кетди. Набижон уларни бажараман деб ишхонасида ярим тунгача қолиб кетар, қачон дам олиш куни эканлигини ҳам, охирги марта қачон меҳнат таътили олганини ҳам эслолмасди. Бошлиқнинг таниш-билишларига, қариндош-уруғларига тегишли «илтимосча»ларнинг эса охири кўринмасди. Набижон уларни бажаришни рад қилай деса, бошлиқ ҳар гал у билан ҳол-аҳвол сўрашаётганда атайлаб «уй-жойлар қалай?» деб шаъма қилиб қўйишини канда қилмасди.

Набижон шу хаёллар билан бошқармага етиб келганда бошлиқ кабинетида бир неча нотаниш кишилар билан кўтаринки кайфиятда чақчақлашиб ўтиришганди. У

СИРТМОҚ

I

II

1

2

ХИЛЛАРИ КЛИНТОН ЎЗБЕКИСТОНДА

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Америка ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари ҳар томонлама жадал ривожланмоқда. 1996 йилнинг ёзида Президент Ислом Каримовнинг АҚШга ташрифи ўзаро муносабатларда туб бурилиш ясаган бўлса, яқинда ташкил этилган ҳар томонлама ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Америка қўшма комиссияси бу борада икки давлатнинг истак ва интилишлари бир хил эканидан далолат берди.

Ўзбекистон билан Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги муносабатларнинг юксак даражада равнақ топаётганига талай мисоллар келтириш мумкин. Масалан, сўнгги вақтларда мамлакатимизга АҚШнинг кўплаб делегациялари ташриф буюраётгани, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, тоғ-кон металлургияси, коммуникация, енгил саноатнинг турли жабҳалари, халқ хўжалигининг талай тармоқлари бўйича кенг миқёсда алоқалар ўрнатилгани, қолаверса, хавфсизлик масалалалари ва ҳарбий соҳадаги ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани барчага маълум. Қўқумалоқдаги компрессор заводининг ишга тушишида америкалик мутахассислар иштироки, НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида ўтказилган «Марказий Осиё батальони — 97» номли қўшма машқларда АҚШ ҳарбийларининг иштироки ҳам кўпчиликнинг ёдида. «Зарафшон-Ньюмонт», «Ўзкейсмашхолдинг», «Ўзкамминзмотор» каби янги атамаларга эса тез-тез дуч келиш мумкин. Қисқаси, узаро муносабатларимиз стратегик ҳамкорлик даражасига чиқди, десак муболаға бўлмайди.

Энди эса Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари қайдномаларида яна бир янги саҳифа очилади — мамлакатимизга АҚШнинг «биринчи леди»си Хиллари Клинтон ташриф буюради. МДҲ мамлакатлари бўйлаб сафарга чиққан Хиллари хоним уч кун давомида меҳмондўст ўзбек заминида бўлади. Шу муносабат билан кенг жамоатчиликни АҚШ Президентининг рафиқаси Хиллари Родэм Клинтон ҳақидаги айрим маълумотлар билан таништириш ўринли бўлади.

Хиллари Клинтон 1947 йилнинг 26 октябрида Иллинойс штатидаги Чикаго шаҳрида дунёга келган. Х. Клинтон 1969 йили Массачусетс штатидаги Веллесли коллежини тугатган. Сўнг Йейл университетини тамомлаб, ҳуқуқшунослик фанлари доктори унвонини олган.

Хиллари 1973-1974 йилларда Нью-Хевен шаҳридаги ёш болалар билан ишлаш бўйича Карнеги кенгаши ҳузуридаги ҳуқуқшунослар маслаҳат йиғинида ишлади. Масачусетс штатидаги Кембриж шаҳрида болаларни муҳофаза қилиш жамғармасининг адвокати сифатида ўз фаолиятини давом эттирди. Жамоатчилик орасида тобора танилиб, шуҳрати ошаборган Хиллари хоним бир йил давомида АҚШ конгресси вакиллари палатасининг юридик қўмитасидаги Импичмент масалалари бўлимида маслаҳатчи ҳам бўлиб ишлаган.

1992 йили Клинтонлар хонадонида қувончли воқеа рўй берди. Унинг турмуш ўртоғи — Уилям Клинтон Америка Қўшма Штатлари Президенти этиб сайланди.

Ҳозир Хиллари хоним Арканзас, Пенсилвания, Мичиган, Иллинойс, Сан-Франциско университетларининг ҳуқуқ фанлари бўйича докторидир. АҚШнинг «биринчи леди»си уттиздан ортиқ жамоат ташкилотининг юксак мукофотларига сазовор бўлган. Улар орасида Чарлз Уилсон Ли номидаги фуқаролик хизмати мукофоти, Элеонора Рузвельт номидаги озодлик курашчиси мукофоти, аёллар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамғармаси мукофоти алоҳида ажралиб туради.

Хиллари Клинтоннинг мамлакатда тутган ўрни ҳақида шуни айтиш мумкинки, у ўзининг мустақил саъй-ҳаракатлари ва ташаббускорлиги билан АҚШ сиёсий ҳаётида тобора фаол иштирок этмоқда. Мана шу фаоллик ўтган бир неча йил давомида Хиллари хонимнинг ўз ватандошлари меҳрини қозонишига сабаб бўлди.

Челси Виктория Клинтон — АҚШнинг «биринчи оила»сидаги яккаю-ягона фарзанд. Одатда Хиллари хоним қизини ҳамиша ўзи билан бирга олиб юради. Бироқ, бу йил Станфорд университети талабаси бўлган Челсига ўқиш сафарга чиқиш имконини бермаяпти. Айни пайтда Хиллари хонимга АҚШ Президентининг Россия, Украина ва Евроосиё масалалари бўйича махсус маслаҳатчиси Уилям Кортни, АҚШ Президенти ва давлат котибининг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига ёрдам кўрсатиш бўйича махсус маслаҳатчиси Ричард Морнингстар ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилмоқда.

Тошкентда бўлажак расмий ва норасмий учрашувлардан ташқари, Х. Клинтон хонимни «рўйи замин сайқали» бўлган Самарқанд ҳамда жаҳондаги етти муқаддас шаҳарнинг бири ҳисобланмиш Бухорои шариф зиёрати кутмоқда.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

***

СУРАТДА: Билл Клинтон рафиқаси Хиллари хоним билан.

ҚОНУН ОЛДИДА ЖАВОБ БЕРАДИ

Жанубий Корея ҳукумати 18 га тўлмаган ёшларга тамаки ва спиртли ичимликлар сотишни тақиқлаб, қарор қабул қилди. Энди балоғат ёшига етмаган ёшларга тамаки ёки спиртли ичимлик сотган киши қонун олдида жавоб беради.

Лекин, «Ёш авлодни ҳимоя қилиш» уюшмаси томонидан ўтказилган ёшлар ўртасида сўровда маълум бўлдики, бугунги кунда Кореядаги ёшларнинг 82 фоизи тамаки чекар ёки спиртли ичимлик истеъмол қилар экан.

450 ТА ОТ КУЧИГА ЭГА

Саудия Арабистони ўзининг зирҳли машинасини синовдан ўтказди. «Ярим орол қалқони» деб номланган бу машинанинг оғирлиги ўн олти тонна бўлиб, қуввати 450 от кучига эга. Машина обҳавонинг ҳар қандай шароитида ҳам ишлай олади, соатига 90 километр тезлик билан юради.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Финляндия Молия вазирлиги маълумотларига қараганда, бугунги кунда бу мамлакатда давлат муассасаларининг 70 фоизи халқаро интернет тизимидан фойдаланади. Вазирлик ўтказган тадқиқот шуни кўрсатдики, жами 103 минг нафар хизматчи ишлайдиган 124 та давлат муассасаси тасарруфида юз мингга яқин энг замонавий компьютерлар бор экан.

Ўтган йили Финляндия ҳукумати давлат муассасаларини ахборот техникаси билан таъминлаш учун 352 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфлаган. Айни пайтда Финляндия Европа Иттифоқининг 95 та лойиҳасида қатнашмоқда. Бу эса дунё мамлакатлари орасида энг катта кўрсаткичдир.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ *Вена шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида Европа иқтисодий комиссиясининг уч кунлик ҳудудий конференцияси очилди. Бу конференцияда Европа давлатлари иқтисодиётини ривожлантириш ва транспорт тизимини яхшилаш масалалари кўриб чиқилади. Учрашувда Европанинг 50 дан зиёд мамлакати, АҚШ ва Канададан келган вакиллар иштирок этади.*

* * *

☑ *Франция президенти Жак Ширак икки кунлик расмий ташриф билан Ханойга келди. У Вьетнамнинг йирик иқтисодий маркази Хошимин шаҳрида ҳам бўлади. Жак Ширак мамлакат пойтахтида ВСР президенти Чан-Дик Лионг, шунингдек бош вазир Фан Ван Кхай ва ҳукмрон компартия бош котиби До Миой билан ҳам учрашади.*

* * *

☑ *Канаданинг Монреаль шаҳридаги фуқаро авиацияси халқаро ташкилотининг штаб хонасида миллий фуқаролар авиацияси идоралари раҳбарларининг конференцияси якунланди. Унда учиш хавфсизлигини таъминлашни назорат қилишни кучайтириш масалалари муҳокама қилинди. Конференцияда 150 мамлакатнинг вакиллари иштирок этди.*

* * *

☑ *«Интернет» ахборот тизими хабарларига кўра, Афғонистоннинг толибончилар эгаллаб турган ҳудудларида навбатдаги қатл маросими бўлиб ўтди. Шариат ҳукмига кўра қотилликда айбланаётган икки киши кўплаб одамлар иштирокида қариндошуруғлари томонидан бўғизланди. Бу воқеа Кобулдан беш юз километр жанубий ғарбдаги Гильменд вилоятининг Лашкаргоҳ шаҳрида юз берди. Кўпчиликнинг хабари борки, сентябрь ойида қотиллик, оиласига бевафолик қилгани ҳамда сотқинлик учун Афғонистон пойтахтида кўплаб омма орасида тўрт киши осиб ўлдирилганди. Толибонлар ҳокимият тепасига келгандан бери ўтган 13 ой ичида қотиллик ва оиласига хиёнат қилгани учун ўлим жазосини жорий қилишганди. Ўғриларнинг қўллари ва оёқлари чопиб ташланади. «Толибон» ҳаракати ғоявий раҳбарларининг талабларига кўра ҳукмни одатдагидек судланганларнинг яқин қариндошлари амалга оширади.*

* * *

☑ *«Интернет» ахборот тизимидан хабар беришларича Афғонистонда қолиб кетган Тожикистон Бирлашган мухолифатининг 254 аскари молиявий сабабларга кўра ватанига қайтарилмаяпти. Чунки уларни кўчиришга каттагина маблағ керак эмиш. Миллий тотувликни сақлаш комиссиясининг ҳарбий масалалар бўйича кичик комиссияси раиси Хабиб Сангиновнинг айтишига кўра аскарларни кўчириш учун БМТ 68 минг доллар миқдорида маблағ ажратмоқчи эмиш.*

ДУНЁ ДАРЧАСИ

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ НИМА ДЕГАНИ?

Инсон ҳуқуқлари масаласини Америка хорижий сиёсатининг устувор йўналиши қаторига киритган Картер халқаро миқёсда инсон ҳуқуқларини қисман бўлсада совуқ урушнинг Шарқ-Ғарб сиёсати ва янги халқаро иқтисодий тартибот борасидаги Шимол-Жануб курашининг чигалларидан озод этди. Шу туфайли инсон ҳуқуқларининг ҳимоячилари дунё ўзра янгича мақом касб этиб, ҳуқуқий асослар мустаҳкамланди.

БМТ доирасида Канада, Нидерландия ва бошқа давлатлар томонидан бошқарилган Инсон Ҳуқуқлари бўйича Комиссия қайта тикланиб, у аёллар ҳуқуқлари (1979), қийноқларга қарши ҳаракат (1984) борасидаги асосий битимларни шакллантирди. Инсон ҳуқуқларига қарши жиноятларни ўрганиш учун тобора кўпроқ ва турли мамлакатларга махсус ходимлар тайинланди. Шунингдек, мазкур жиноятларнинг муайян турлари ва айниқса одамларнинг йўқолиш муаммоси билан иш юритиш учун комиссия янгича механизмларни ишлаб чиқди.

1970 йилларнинг ўрталари инсон ҳуқуқлари масаласининг икки томонлама хорижий сиёсат соҳасига кириб келиши билан ҳам белгиланди. Мисол учун, Америка Қўшма Штатлари ва шимолий давлатлар ўзлари ёрдам берадиган мамлакатларда инсон ҳуқуқлари тажрибасини ҳам инобатга ола бошлади. 1975 йилги Хельсинки Якунловчи Акти инсон ҳуқуқларини АҚШ — Совет Иттифоқи муносабатларийнинг марказига олди.

Мазкур ташаббуслар орқали намоён бўлган майл Картернинг машҳур инсон ҳуқуқлари халқ дипломатияси сиёсати ёрдамида кенг оммага танилди. 1970 йилларнинг охири ва 1980 йилларнинг бошида инсон ҳуқуқлари муаммоси қарамақаршиликларга дуч келади. 1980 йилларнинг ўртасига келиб аксарият ғарбий давлатлардаги муҳокама инсон ҳуқуқлари масаласи ташқи сиёсатнинг фаол моддаси бўлишидан кўра кўпроқ кайси ҳуқуқлар ва қаерда татбиқ этилиши борасида марказлашди.

1970 йиллар давомида инсон ҳуқуқларига тааллуқли ноҳукумат ташкилотлари (НҲТ) сезиларли халқаро сиёсий куч сифатида намоён бўлади. Сиёсий маҳбусларга кўрсатаётган ёрдами учун 1977 йилги Тинчлик учун Нобель мукофотининг Халқаро Амнистия ташкилотига берилиши шундан далолат берди. 1980 йилга келиб АҚШда инсон ҳуқуқлари билан у ёки бу тарзда шуғулланувчи 200 га яқин НҲТ мавжуд бўлиб, Британияда ҳам уларнинг сони шунга яқин эди. Мазкур гуруҳлар инсон ҳуқуқларини суиистеъмол қилиш қурбонларини ва кўп томонлама халқаро инсон ҳуқуқлари сиёсатини ўзгартириш борасида муҳим роль ўйнайди. 1970 ва 1980 йилларда Халқаро Амнистия ташкилоти қийноқ қилишга қарши уюштирган халқаро компаниялари БМТ томонидан 1984 йили Қийноққа қарши Конвенция лойиҳасининг ишлаб чиқилишида муҳим аҳамият касб этди. Алоҳида давлат миқёсда Амнистия ташкилотининг Дания секцияси ўз ҳукуматининг 1979 йилги Инсон ҳуқуқлари ва тараққиёт бўйича Оқ Қоғоз ҳужжати лойиҳасини тайёрлашга жалб этилди. Америка Қўшма Штатлари ва қатор Европа давлатларидаги апартеидга қарши фаоллар 1980 йилларда Жанубий Африка Республикасига қаратилган ташқи сиёсатга муҳим таъсир ўтказди.

СОВУҚ УРУШДАН КЕЙИНГИ МУҲИТ:

Совуқ уруш йилларидан кейинги саъй-ҳаракатлар кўп томонлама, икки томонлама ва давлатлараро миқёсдаги инсон ҳуқуқлари фаоллари ва жараёнларини янада кучайтирди. Мавжуд кўп томонлама механизмлар янада шиддатли ва бетараф тарзда ишлатилмоқда. БМТнинг Инсон Ҳуқуқлари бўйича Махсус Комиссарии лавозимининг таъсис этилиши каби янги ташаббуслар халқаро миқёсдаги кузатув ишларини жадаллаштиришга қаратилгани аниқ. Аксарият мамлакатларда инсон ҳуқуқлари хорижий сиёсат кун тартибининг анча яхши муҳофазаланган ва зиддиятлари камроқ масалага айланди. Инсон ҳуқуқлари бўйича НҲТ ва тарафдорлари сиёсий муҳитнинг тобора муҳим қисмига айланмоқда.

Халқаро инсон ҳуқуқлари масалалари ҳамон сиёсий қарама-қаршиликларни юзага келтирмоқда. Мисол учун, 1993 йили Венада ўтказилган Инсон Ҳуқуқлари бўйича жаҳон Конференциясида давлатларнинг кичик гуруҳи халқаро ҳамжамиятнинг мамлакатларни Умумжаҳон Декларация ва битимлар ишлаб чиқилган мезонларга риоя этишга мажбур қилишга қарши чиқди. Бироқ уларнинг уринишлари беҳуда бўлиб чиқди. Икки томонлама муносабатларда инсон ҳуқуқлари муаммоларининг кўтарилиши ҳамон кўп давлатларнинг норозилигини туғдиради. 1989 йили хитойлик фуқароларни Тананменда қирғинбарот қилишдан кейинги йиллар мобайнида Хитой ва унинг асосий тижорий шериклари орасидаги муносабатларнинг таранглашуви бунга ёрқин мисол бўлди. Аксарият давлатлар инсон ҳуқуқлари борасидаги кўплаб НҲТни қондириш учун халқаро миқёсда инсон ҳуқуқлари масалаларини кўришни ҳамон рад этади.

Жэк ДОНЕЛЛИ

(Давоми бор).

(Боши ўтган сонларда).

Аломат гаплар

ҒАЛАТИ АВЛИЁ

Афсунгар, авлиёлар ҳақида кўп биламиз. Ўлган одамни тирилтирганларни ҳам эшитганмиз. Лекин ҳайвонларниям даволаётганларни-чи?

Шри-Ланкадаги Галла шаҳрида рўй берган воқеа ҳақида миш-мишлар юради. Одамлар қизиқсиниб ҳодиса рўй берган жойга ошиқишяпти. Рўёми-ҳақиқат?

Рост экан. Авлиё учта от ва ўлик товуқни тирилтирибди. Афсунгар авлиё уларга қўлини текказиб қандайдир дуони пичирлаб ўқибди. Буни беҳафсалагина кузатиб турган томошаталаблар чўчиб кетишибди. Кўз олдиларида ўлган от кишнаса, товуқ қақаласа.

Мўъзижа тезда чор-атрофга дув-дув гап бўлиб тарқаб кетди.

— Ҳайвонлар аллақачон ўлиб бўлувди, — дейди ҳамон ҳайратини яширолмаган ферма хўжайини, — Авлиё Свами Бхутта қўлларини чўзганини эслайман, холос. Уёғи худди эртадагидек рўй берди. Ҳозир «ўлиб-тирилган» оту, товуқ соппа-соғ.

Дув-дув гапларда жон борга ўхшайди.

1000 ЙИЛ ЖАРИМА ТЎЛАЙДИ

Жарима тўлашнинг ҳам минг бир йўли бор экан.

Аляскадаги Номе шаҳар суди жарима тўловчиларга маълум «енгилликлар» яратиш ҳақида ҳам ўйлаб кўрди.

Қаҳвахонада одатдагидек жанжал бошланиб қолди. Ур-йиқитда емакхона эгаси зарар кўрди. Битта стул синди. Шаҳар суди дарҳол айбдорнинг жазосини боплаб бермоқчи эди. Судья айбдорнинг тавба-тазаррусини ҳисобга олиб, 1000 йил давомида 1 доллардан тўлаб туришга ҳукм чиқарди.

Қизиқ, бу кўпроқ кимга фойда экан: айбдоргами? Ёки емакхонагами? Нима бўлганда ҳам бу «енгиллик» дейилади-да.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Нашр индекси: Якка тартибдаги обуначилар учун — 220
Ташкилотлар учун — 221

ФМТ-1

"Ўзбекистон почтаси" Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета [ ] Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обуна сони

1998 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга (Фамилияси. исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

п.в Жойи

Нашрга етказиш варақаси

Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обунани янги манзилга юбориш	Баҳоси	сўм	обуна сони
	Баҳоси	сўм	

1998 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга

«ОҒУШИ»

Турмуш сўқмоқларида

суҳбат тугашини кутиб қабулхонадаги қатор ўриндиқлардан бирига оҳиста ўтирди. ярим очиқ эшикдан бошлиқнинг нотаниш суҳбатдошларидан бирининг гаплари қулоғига чалинди:

— Кечаги йиғилишдаги маърузангиз ҳатто бирлашмамиз бошлиғини ҳам қойил қолдирди. Ўзингиз ҳам роса илҳом билан жўшиб ўқидингиз-да. Фақат нотиқгина эмас, ёзувчи ҳам эканлигингизни билмай юрган эканмиз. Сўзларни ҳам садафдай териб ташлабсиз. Э, қойил-е... Ҳуллас, бу муваффақиятингиз учун энди каттароқ эримасангиз бўлмайди...

Суҳбатдошлардан иккинчиси гап жиловини илиб кетди:

— Ишнинг кўзини биладиган одамсизда, ака. Келинг, очиқчасига гаплашайлик. Эшитишимизга қараганда, ҳисоботу-маърузалар ёзишни қотирбо ташлайдиган мирзангиз бор эмиш. Илтимос, ака, бизга ҳам шундай беминнат дастёрлардан топиб берсангиз. Шояд биз ҳам елкамизга офтоб тегиб, сизга ўхшаб катталарнинг назарига тушсак.

Суҳбатдошларнинг таҳқирона сўзлари шуларсиз ҳам эзилиб ўтирган Набижонни қиш чилласидаги совуқдек жунжиктириб юборди. Кўз олди қоронғулашди, ҳаёллари айқаш-уйқаш бўлиб кетди: «Нима қилсам экан? Қачонгача бундай қуруқ савлатларга «дастёр»лик қиламан? Ахир ҳамма нарсанинг ҳам чегараси бўлиши керак-ку? ! Йўқ бу аҳволга чек қўйишим керак...

Набижоннинг хаёли бўлинди — ичкаридан ёстиқдай-ёстиқдай папкаларини қўлтиғига қистириб олган олифта суҳбатдошлар чиқиб келишаётганди. Улар қабулхона бурчагида дарсдан кеч қолган боладай ўнгайсизланиб турган Набижоннинг саломига парво қилмай унинг ёнидан сигарет бурқситиб, виқор билан ўтиб кетишди.

Суҳбатдошларнинг бадҳазм гап-сўзларидан, ўзига бўлган муносабатларидан иззат-нафси ҳақоратланган, руҳан эзилган Набижон бошлиқнинг кабинетига истар-истамас қадам қўйди. Бошлиқ ҳар галгидек «уй-жойлар қалай»дан кейин дарҳол мақсадга кўчди:

— Яшанг, ука, кечаги маърузамни олдингиларидан ҳам ўтказиб қиёмига етказган экансиз. Ҳатто бирлашмамиз раҳбарининг шахсан ўзлари ҳам уч-тўрт жойида чапак билан сийладилар. Эрталаб қўнғироқ қилиб, ўзларининг ҳам кичкинагина маърузачасини эртагача кўриб беришимизни илтимос қилдилар. Ўзингиздан қолар гап йўқ. Уларнинг суханларини ерда қолдириш одобдан эмас. Керак бўлса уларнинг илтимосини буйруқ деб ҳам тушуниш мумкин. Бу — бирингчиси. Мана буниси эса бизнинг шахсий илтимосчамиз. Тойчоқларимиздан бири олим бўлишни ният қилганлар. Ўгилчамиз бир нечта хорижий тилни сув қилиб ичиб юборганлар. Бироқ ўзимизнинг тилга келганда бирозгина оқсайдилар. Ҳуллас, навбатдаги рисоласини бир ҳафтадан кейин нашриётга топширмоқчилар. Шуни топширишдан олдин ўзингиз қўлбола қилиб силliқлаб берасиз-да, ука...

Бошлиқ унинг олдига иккита семиз-семиз папкани суриб қўйди. Шу пайт телефон жиринглади. Бошлиқ, юқоридан бўлса керак, деб ўзига ярашмаган шошқалоқлик билан телефон гўшагини кўтарди:

— Э, ҳа, сизмисиз, тойчоқ. Ҳа, ҳа, топшириғингиз бажарилди ҳисоб. Мана ҳозиргина эгасига топширдим. Худо хоҳласа айтган муддатингизда «гатоп» бўлади. Ҳа, дарвоқе, мен бугун уйга кечроқ қайтаман. Ўртоқларга кечаги маърузамни ювмоқчиман.

Бошлиқнинг бу гаплари шундоқ ҳам тавбасига таяниб турган Набижоннинг сабр косасини тошириб юборди: «Тавба, андишасизлик ҳам шунчалик бўладими? Ўзинг-кўзинг демай «эгасига топширдим», «ўз вақтида тайёр бўлади» дейди-я...

Бошлиқ «тойчоғи» билан гаплашиб бўлгач, Набижон қабулхонада ўйлаб қўйган гапларини унга айтмоқчи бўлиб эндигина оғиз жуфтлаганди яна телефон жиринглаб қолди. Бошлиқ телефон гўшагига ёпишди. Набижон эса стол устида турган навбатдаги «илтимосча»ларни олайми-олмайми деб икки ўт орасида қийналарди. Пешонасини муздек тер босди. Дастрўмолини олмоқчи бўлиб чўнтагига қўл суқди. Қўлига дастрўмол ўрнига уйнинг калити илинди. Ари чаққандек бирдан сесканиб тушди. Хаёлида «уй-жойлар қалай», «калит», «уй муборак бўлсин», «илтимосча», «миннатли ош» каби сўзлар гирдоб бўлиб айлана бошлади. Торгина ҳовлилари, укалари кўз олдига келди. Юрагида санчиқ пайдо бўлди, нафаси бўғзига тиқилиб бошлиққа айтмоқчи бўлган гаплари ичида қолди.

Набижон «илтимосча»ларни қўлтиғига қисиб, букчайган қўйи, беихтиёр ўнг қўлини кўксига қўйди, телефонда гаплашаётган бошлиғи билан имо-ишора қилиб хайрлашди-да иш кабинетига йўл олди.

Бошлиқ эса айланма креслода у ёқдан—бу ёққа тебраниб, оғзининг таноби қочгунча телефонда кеча бирлашма йиғилишидаги «сермазмун маърузаси» учун навбатдаги табрикларни қабул қилишда давом этарди...

Юсуфбек МУҚИМБОЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

КУЁВ БОЛА ХИЗМАТДА БЎЛГАНМИЛАР?

Ватан ўғлонлари

Йигитларни уйлантиришда уларни ўзига хос синовлардан ўтказиш ҳам азалий. Ўтин ёрдириб, ер чоптириб кўришган. Бундай синовлар боболаримизга хос бўлса, эндиликда ёшлар ўзгача «имтиҳон» қилинади. Чунончи, йигитнинг чекиши, ичиши, «юриши», қолаверса, авлод-аждодлари сўраб-суриштирилади. Ўғлоннинг хислатларини кўпроқ билиш учун яна бир савол юзага келган, у ҳам бўлса, бўлажак қуда-андалар битимга келиш олдидан, албатта куёв бўлмишнинг ҳарбий хизматда бўлган-бўлмагани ҳақида сўз юритадилар.

Мустақил ҳаётга қадам қўяётган ўғлоннинг Ватан олдидаги бурчини адо этган бўлиши мақсадга мувофиқдир. Халқимизда айтилганидек, мусофир бўлмагунча мусулмон бўлиш қийин. Йигит киши ҳарбий хизматни ўташ чоғида Ватанимиз сарҳадлари ва турли жойларида бўлишга тўғри келади. Дўстлар орттиради, жисмоний чиниқади, дунёқараши шаклланади. Муҳими, уйжойига, ота-онасига, асосийси Ватанига меҳр уйғонади. Назаримизда Тошкентдаги ёшларни ҳарбий касбларга йўналтирувчи республика лицейи талабаларининг севиш-севилиш, турмуш қуриш учун аҳд-паймон қилишларида бошқаларга қараганда «ташвишлари» йўқ, десак муболаға бўлмас. Боиси, улар бу билим масканида ҳарбийча юриш ва келажакда ҳам шу соҳада саъй-ҳаракатлар қилишга азми-қарор қилишган. Уларни ҳеч ким «куёв бола хизматда бўлганмилар?» деган саволга тутолмайди.

Лицейга ўқувчилар танлов асосида қабул қилинади. Улар сўзсиз ҳарбийликка ошуфта, маҳаллий миллат фарзандлари бўлиши тақозо этилади. Айни пайтда жисмоний тарбия, математика, физика, ўзбек тили фанлари бўйича тест синовига дош бера оладиган бўлишлари зарур. Бўлажак ҳарбийларга соҳибқирон Амир Темур ўгитлари, тузуклари қатори замонавий билимлар атрофлича берилади. Ўқиш ва турли машғулотларни ўтказиш учун шароитлар муҳайё. Ҳамма болалар қатори улар ҳам компьютерни ўрганишади. Сирли экран моҳиятини Фарида Асрақулова ўргатиб келмоқда.

Тарбияланувчилар Маъмура Иноятова, Сурайё Йўлдошева, Имомали Аллаёров, Ширингул Жумашева, Сайёра Муҳитдинова, Бахтиёр Мирзаев каби устозлардан турли фанларни билиб олишга интилмоқдалар. Подполковник Иосиф Коник, иккинчи рота сардори майор Ғанишер Эргашев, катта лейтенантлар Бахтиёр Ғойибов билан Рустам Собиров, капитан Александр Болтунов, лейтенантлар Шуҳрат Қорабоев, Акмал Бобоновларнинг хизматлари алоҳида ўрин тутади.

Бу ерда олиб борилаётган таълим тарбия ва хайрли тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Битирувчиларнинг қарийб 90 фоизи олий ҳарбий билим юртлари имтиҳонларидан муваффақиятли ўтиб, ўқишни давом эттирмоқдалар. 1992 йилда ҳарбий лицей мақомини олгандан бери билим маскани қалдирғочлари Ўзбекистон Қуролли Кучлари сафида ўз бурчларини адо этишга тайёр эканликларини амалда намойиш этишмоқда. Бу ерда ёшларни жисмоний ва маънавий баркамол бўлишларига ҳаракат қилинади. «Маърифат ва маънавият» хонаси ҳамиша гавжум. Лицей директори Собиржон Аҳроров ёшларни баркамол бўлишларига аҳамият бериб келмоқда. Ўқувчи, ўқитувчи ва ота-оналар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ришталарини боғлашга эришган. Лицей жамоасининг нияти битта, у ҳам бўлса истиқлол юртимиз ёшларининг баркамоллигига ҳисса қўшиш, соғлом авлодни шакллантириш йўлида саъй-ҳаракат қилишдан иборат.

Юнус ЗИЁДОВ.

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 13 noyabr, paysanba № 133 (22.216).

Gazeta 1918- yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Футбол

СЎНГГИ ТУР ОЛДИДАН

Футбол бўйича мамлакат чемпионати ниҳоясига етиб бормоқда. Сўнгги тур олдидан совриндорлар ва олий лигани тарк этувчи жамоалар аниқланди. МҲСК футболчилари Марғилонда «Атласчи» жамоасини 7:3 ҳисобида мағлубиятга учратиб, ўз жамғармаларидаги очколар сонини 87 тага етказиб олишди. Улар сўнгги ўйин натижаси қандай бўлишидан қатъи назар мамлакат чемпионлигини қўлга киритишди.

Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси футболчилари «Дўстлик» майдонида тўп суриб 2:6 ҳисобида мағлубиятга учрашди ва кумуш медаль эгаси бўлишди. Шуниси диққатга сазоворки, ушбу учрашувда «Дўстлик» ҳужумчиси Жаъфар Ирисметов рақиб дарвозасига уч бор тўп киритди. У ўз ҳисобидаги тўплар сонини 32 тага етказиб олди. Армиячи Нўъмон Ҳасанов эса рақиблар дарвозасига 29 та тўп киритиб, тўпурарлар рўйхатида иккинчи ўринга кўтарилди.

Учинчи ўрин эса ўтган йилги мамлакат чемпиони Наманганнинг «Навбаҳор» командасига насиб этди. Улар бу турда «Афросиёб»ни қабул қилиб 7:1 ҳисобида ғалаба қозонишди. Тўртинчи ўринга эса 62 очко жамғарган «Дўстлик» асосий даъвогар бўлиб турибди. «Пахтакор»чилар ҳисобида эса 60 очко бор.

Сўнгги тур олдидан олий лигани тарк этувчи жамоалар ҳам аниқланди. «Афросиёб», «Чилонзор», «Янгиер» ва «Атласчи» жамоалари сўнгги ўринларни ишғол қилиб, келгуси йили биринчи лигада иштирок этадиган бўлишди.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-11-49, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 33-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир И. ҲАМРОЕВ, навбатчи А. БОБОЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида, А—2 форматда, 21 523 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0731

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 23.10.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ВИЛОЯТИ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида ишлаб чиқарилаётган "АИ — 93" турдаги юқори октанли, сифатли автобензин маҳсулотларини қуйидаги АЁҚШлардан

СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

1. АЁҚШ - 14. А. Икромов тумани, Ҳ. Турсунқулов кўчаси. Тел: 74-14-85.
2. АЁҚШ - 18. С.Раҳимов тумани, Шифокорлар шаҳарчаси. Тел: 46-66-26.
3. АЁҚШ - 47. Қибрай тумани, Улуғбек посёлкаси.
4. АЁҚШ - 74. Шайҳонтоҳур тумани, Ибн Сино даҳаси, ҳалқа йўлида. Тел: 47-54-71.
5. АЁҚШ - 83. Ҳамза тумани, «Роҳат» ҳалқаси олдида. Тел: 98-43-31.
6. АЁҚШ - 100. Шайҳонтоҳур тумани, Исакян кўчаси.
7. АЁҚШ - 118. С. Раҳимов тумани, Қорасарой кўчаси. Тел: 46-64-60.
8. АЁҚШ - 120. Зангиота тумани, Қўйлиқ-Сирғали ҳалқа йўлида Тел: 90-99-96.
9. АЁҚШ - 121. Чилонзор тумани, Отчопар бозори қаршисида.
10. АЁҚШ - 122. А.Икромов тумани, Ўрикзор даҳаси рўпарасида жойлашган.
11. АЁҚШ - 123. Юнусобод тумани, Ҳасанбой даҳаси, ҳалқа йўлида. Тел: 21-15-76.
12. АЁҚШ - 124. Бектемир тумани, Бектемир-Водник даҳаси. Тел: 96-45-70.



1 литр бензин баҳоси — 30 сўм.

Ушбу автомобиль қуйиш шаҳобчаларини Қибрай тумани «Қизил шалола» жамоа хўжалигидаги «ЧИНОБОД» НЕФТБАЗАСИ «АИ-93» автобензини билан таъминламоқда. Мурожаат учун телефонлар: 1-33-89-71, 1-33-71-38.

"ТОШКЕНТМЕБЕЛЬ" хиссадорлик жамияти





Ўзининг фирма дўкони орқали кенг турдаги мебель жиҳозлари:

— ётоқхона учун мебеллар тўплами;
— кўп максадда ишлатиладиган идиш-товоклар жавони;
— юмшоқ мебеллар тўплами;
— офис мебеллари;
— кийим-кечак шкафлари;
— кроват, тўшак ва банкеткаларни

нақд пул ёки пул ўтказиш йўли билан **СОТАДИ.**

Жиҳозлар 10 фоиз арзонлаштирилган нархда сотилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Магазин Мавзук кўчаси, 245-уй. 43-автобуснинг охирги бекати. Телефонлар: 48-68-89, 48-37-50.

Ё, тавба!

ОДАМНИНГ «САРАСИ»

Кимёхон иш вақтини эртароқ тугатишга қарор қилиб, стол устини йиғиштирди. Апил-тапил шиппагини туфлига алмаштириб, сумкасини қўлтиқлаб, бўлим бошлиғи ҳузурига кирди ва озгина бозорлик юмушлари борлигини айтиб, рухсат олди.

Пиёдалар учун ажратилган йўлкадан бораркан, одамларга разм солди. Кимнингки турмуши фаровон, рўзғори тинч бўлса юз-кўзи кулиб туради. Аксинча, кўнглида зарра ғубори борлар ҳатто ўзлари билмаган ҳолда қайғули юрадилар... У шу хаёллар билан бозорга етиб келганини билмай қолди ҳам. Маошидан ажратиб қўйган пулга болаларига озроқ ширинлик,ярим кило сариёғ, шунча асал харид қилди. Каттаси бир ҳафтадан бери жисмоний тарбия дарси учун кийим тўғрисида ҳархаша қилади. Ранги зўр бўлмасада, арзонроғидан олди. Кичик қизчаси боғчага резина шиппак кийяпти, унга туфли танлади.

Қизчасини боғчадан олишга чоғланиб, автобусдан уйга етмасдан бир бекат олдин тушди. Зил-замбил сумкаси қўлини толиқтирди. Ҳали боғчага 200 метрча бор, юкини шу атрофда майда-чуйда сотиб ўтирганларнинг бирортаси олдида қолдирса-чи?

Одмигина кийинган, кўринишдан ўрта ҳол оиланинг бекаси бир аёл олдига ёзилган матодаги пистанинг пучларини териш билан банд эди. Негадир шу хотин Кимёхоннинг кўзига бошқача кўриниб кетди. Унга яқинлашиб, муддаосини айтди.

— Вой, ўзим ўргилай, бемалол қўйиб кетаверинг. Менинг олдимда ҳеч ким тегмайди, — деди аёл жонини бергудек бўлиб.

Қизчаси ҳам кутиб турган экан, ҳаял ўтмай боғчадан қўл ушлашиб чиқишди. Йўлда унга туфли сотиб олганини айтиб, она боласини суюнтирди.

Пистафурушнинг олдида сумкаси қандай қўйилган бўлса шундай турарди. Раҳмат айтиб, уйга қараб юришди. «Одамнинг ҳам сараси бўлади-я. Ўшанча сотувчилар ичида кўримсизгина шу аёл дидимга ўтирди-я». Кимёхон шуларни ўйлади. Остона ҳатлаши билан ўғли «спорт форма олиб келдингизми?», деб сўради. Она мамнун жилмайди.

Ўртага сумкани қўйиб, ширинликни, сарёғни олди. Ажабо, бошқа нарсалар ғойиб бўлганди. Болалар эса жовдираб сумкага термулганча туришарди.

Зоҳидахон КЕНЖАЕВА.

ҚЎНҒИЗ ЦЕМЕНТ ЕДИЮ...

Бу — қизиқ

Картошкакорлар меҳнатнинг заволини берадиган Коларадо қўнғизи деган ҳашоратни яхши билишади. Бу очофат қўнғизларни дорилаб ҳам, қўл билан териб олиб ҳам адо қилиб бўлмайди. Картошка гулга киришдан аввал бу қўнғизлар пайкали босиб кетиб, картошка барги-ю гулини еб ташлайди. Олтиариқлик Аҳмаджон Бобожонов ўн сотих ерга картошка эккан эди. Картошкани қўнғиз босди. Аҳмаджон қўнғизга бир неча хил кимёвий дори урди, кул сепди, бола-чақасини ёнига олиб қўлда териб чиқди. Барибир қўнғиздан қутила олмади. Бир куни қандайдир хаёл билан қурилишга деб олиб қўйган цементдан бир пақир олиб чиқиб, картошканинг устига сепиб юборди. Қаранг, икки-уч кундан кейин цемент сепилган картошка палакларида бирорта ҳам қўнғиз қолмай тутдек тўкилди. Афтидан барг билан бирга цементни ҳам қўшиб еб юборган қўнғизлар ичида цемент қотиб, очофатларни паррақдек қотирган. Тасодиф орқали Аҳмаджон ғалати кашфиёт қилди. Бу ҳазил ёки лоф эмас. Яқинда Фарғонадаги «Ер ва эл» газетасида бу хабар босилиб чиққандан кейин Коларадо қўнғизини цемент билан қуритаман деганлар кўпайиб қолди.

Алишер ИБОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

АБОНЕМЕНТНИ ТЎҒРИ ТЎЛДИРГАНИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ!

Абонементда касса машинасининг муҳри босилган бўлиши шарт.

Обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштирганингизда касса машинаси бўлмаса, ушбу алоқа бўлимининг календарли штемпели босилиши керак.

Бу ҳолда обуначига, обунага ёки янги манзилгоҳга ўтказилганига пул тўланганлиги тўғрисида квитанция берилади.

Газета ва журналга обуна бўлганингизда ёки манзилгоҳ ўзгаришини расмийлаштирганингизда карточкаларни сиёҳ билан, аниқ ва сўзларни қисқартирмасдан жадвалдаги қоидаларга риоя қилиб тўлдиринг.

«АКАТЕКС ТЕКСТИЛЬ САНОАТ ВА ТИЖОРАТ ЛТД» ҚЎШМА КОРХОНАСИ

ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН

ПОЛИПРОПИЛЕН УН ҚОПЛАРИНИ (50 кг) ва СЕЙФЛАРНИ СОТАДИ



Манзилгоҳ: Тошкент, Гоголь кўчаси, Марказ - 1, 38-уй, 187-хонадон.
Мўлжал: «Электроника» магазини,
Телефон: (3712) 133-40-07, 132-14-25, 132-14-34.

Ўзбекистон ХДП МК Котибияти партия Марказий Кенгаши аъзоси, Жиззах вилояти фан ва техника маркази директори Н. Ш. Умаровга отаси **ШЕРМАТ** отанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Фармацевтика институти ректорати ва жамоаси шу институтнинг «Провизорларнинг малакасини ошириш факультети» декани, доцент Раҳим Зокирович Зияевга онаси **КАРОМАТ** аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.